

**ТАРИХЧИ ОЛИМ  
ФАРҲОД ҚОСИМОВ  
ЗАМОНДОШЛАР  
ХОТИРАСИДА**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ**

**ТАРИХЧИ ОЛИМ ФАРҲОД ҚОСИМОВ  
ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА**

**“Дурдона” нашриёти  
Бухоро – 2021**

*Ушбу китобда бутун умрини тарих илми ҳамда таълим-тарбия ривожига бахшида этган олим Фарҳод Ҳабибович Қосимов ҳақида ёзилган хотиралар жамланган. Бунда олимнинг маслакдошлари, сафдошлари, дўстлари, касбдошлари ва шогирдлари томонидан ёзилган хотиралар орқали Фарҳод Қосимовнинг инсонийлик фазилатлари, илмий фаолияти, раҳбарлик қобилияти кабилардан хабардор бўлиш мумкин.*

*Мазкур китоб барча китоб ихлосмандлари учун мўлжалланган.*

**Масъул муҳаррир:**

*Иноятов Сулаймон Иноятovich  
тарих фанлари доктори, профессор*

**Тақризчилар:**

*Қаҳрамон Кенжаевич Ражабов  
тарих фанлари доктори, профессор*

*Ойбек Расулович Рашидов  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент*

**Тўплаб нашрга тайёрловчи:**

*Дилноза Муйидиновна Жамолова  
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

Китоб БухДУ Илмий-техник Кенгашининг 2021 йил 29 сентябрдаги 1-йиғилиш қарори асосида нашрга тавсия этилган.

“Бухоро ахбори” газетасининг 1921 йилги жамланмаси ўта ёмон аҳволда ва энг кўп саҳифалар йўқолганлиги оқибати бўлса керак, мен синчиклаб ўрганган мавжуд саҳифалардан эса бу хабар топилмади.

Устоз Ш.А.Ҳайитов билан ҳаммуаллифликда 2005 йилда нашр этилган “БХСР иқтисодиёти, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт” деб номланган китобга профессор Ф.Ҳ.Қосимов масъул муҳаррирлик қилганлар. Устоз Ш.Ҳайитовнинг таъкидлашларича, Ф.Қосимов мазкур китобни қўлларига олган дақиқаларда жуда хурсанд бўлиб кетганларини яшира олмаганлар ва “Кейинги йилларда БХСР тарихига оид мен ўқиган китобларнинг энг зўри”, деб эътироф этибдилар устоз.

Хуллас, Бухоро тарихи ва тарихшунослигининг зукко билимдони профессор Ф.Ҳ.Қосимов Бухоро ўтмиши билан боғлиқ ҳар бир китоб ёхуд тадқиқотга қизиқиш билан қарар ва ўзининг илмий ўлчовидан ўтказарди.

## **ОДАМИЙЛИК БОБИДА ТЕНГИ ЙЎҚ УСТОЗ**

*Қудратов Ш.Ё.*

*БухДУ катта ўқитувчиси*

Тарихчи олим, тарих фанлари доктори, профессор Фарход Хабибович Қосимовнинг шогирдларидан бири эканлигимдан, устоз ҳақида хотира ёзиш бахтига мушарраф бўлганлигимдан Аллоҳимга шукроналар қиламан.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда барча соҳаларда бошланган ислоҳотлар таълим соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида тест синовларининг жорий қилиниши натижасида мен 1993 йил Бухоро давлат университети тарих факультетига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Келажакда тарих фани мутахассиси бўлишдек улкан орзулар қанотида тарих факультетининг зукко олимлари томонидан ўқитиладиган дарс машғулотларига қатнаша бошладим.

Ана шундай забардаст олимлардан бири, устоз Фарход Хабибович Қосимовнинг маърузаларини биз талабалар жуда интиқлик билан кутар эдик. Устоз ҳар бир дарсларида янги мавзуга оид маълумотларни тушунарли, равон, тилда тушунтиришлари билан биз талабаларни ҳайратда қолдирар эдилар.

Олтинга тенг талабалик даврим тугагандан сўнг, устоз менга тарих фани соҳасида илмий фаолиятимни бошлашимни маслаҳат бердилар. Шунга мувофиқ мени ўзлари раҳбарлик қилаётган “Тарихшунослик ва манбашунослик” кафедрасига ишга таклиф қилдилар. Олий даргоҳга ишлаш таклифи ҳар кимга ҳам берилавермаслигини, бу таклиф менга билдирилган катта ишонч эканлигини устоз алоҳида таъкидладилар. Шу тариқа менга устозимдан тарих илмининг сир-асрорларини ўрганиш имконияти яратилган эди. Мен ҳар сафар устоз билан илмий тадқиқот мавзуларим юзасидан суҳбатлашганда бу инсон илми ноёб қирраларини янгидан кашф этиб, ҳақиқий жонкуяр, фидойи тарихчи олимнинг шогирди бўлганимдан ич-ичимдан суюнар эдим. Ўта камтарин, илм йўлида ўз маслаҳатларини аямайдиган бу инсонда одамийликка хос хислатлари мукамаллигидан қўлларидан келган ёрдамни ҳеч кимдан аямас эдилар. Отамнинг соғликлари ёмонлашганда фарзандлик бурчини адо этишим зарурлигини уқтириб, устознинг менга раҳбар сифатида шароит яратиб берганлари ҳалигача ёдимда. Отамнинг таъзия маросимларида ёнимда туриб, далда берганлари худди мана шу одамийлик хислатининг юқори чўққиси эди.

2004 йилда устознинг соғликлари тез-тез панд беришини инобатга олиб, бундан кейин менга Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор Доно Ҳамидовна Зияева (*Аллоҳ раҳматига олсин!*) илмий тадқиқотимга раҳбарлик қилишини маъқул экани таклифини бердилар. Ушбу таклифга мен кўндим. Шундан сўнг тезда кафедра кабинетигаги телефондан Доно опа билан боғланиб, менинг учрашувимни белгиладилар.

Мен пойтахтга бориб Доно Ҳамидовна билан учрашдим ва илмий тадқиқот ишим борасида маслаҳатлашиб тегишли кўрсатмаларни олиб қайтдим. Устоз Фарход Ҳабибович билан ҳар сафар кўришганимизда, мен каби шогирдларининг илмий тадқиқот ишларининг бориши тўғрисидаги маълумотлар билан доимо қизиқиб турар эдилар ва ўзларининг беминнат маслаҳатларини ҳеч қачон биздан дариғ тутмас эдилар.

Биз шогирдларга устознинг ҳалол ҳаёт йўлларини давом эттириш сингари умргузаронлик қилишни яратгандан илтижо қилиб сўраймиз.

Тарих фанининг кўзга кўринган забардаст дарғаси, тарих фанлари доктори, профессор Фарход Ҳабибович Қосимовнинг жойлари жаннатдан бўлсин! Аллоҳ раҳматига олсин!

## **ҲАҚИҚИЙ ИЛМ ЭГАСИ ЭДИЛАР**

*Ойбек Ражабов*

*БухДУ ўқитувчиси*

Бухоролик буюк тарихчи олим, тарихшунослик ва манбашунослик йўналишининг етук дарғаси Фарход Ҳабибович Қосимовни мен 1995 йил август ойида Бухоро давлат университети Ижтимоий-иқтисодий факультет тарих таълим йўналишининг кундузги бўлимига ўқишга кирган давримдан бошлаб биламан. 1995 йил сентябрининг биринчи ўқиш кунлари мазкур факультет етакчи профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда факультет жамоасининг қадрли баланд устозга нисбатан ҳурматини кўриб ҳавас қилган эдим. Устозга сўз берилганда у киши тарихдан сабоқ олиш жараёнида амалга ошириладиган ишлар билан бир қаторда Бухоро давлат университетининг (Бухоро педагогика институти) ташкил топиш тарихи ва шу билан бирга тарих йўналишига худди шу замонларда пойдевор қўйилганлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

## МУНДАРИЖА

Қаҳрамон Ражабов. Бухоро тарихчиларининг сардори .....	4
Сулаймон Иноятлов. Қомусий ақл ва илм соҳиби.....	11
Тошпўлат Раҳмонов. Олим ва ажойиб инсон.....	16
Ш.О.Болтаев. Беназир инсон, моҳир раҳбар.....	20
Р.А.Шоймардонов. Маслакдош дўст эдик .....	23
Қаҳҳоров С.Қ. Илм-зиё-маърифатга бахшида умр.....	26
Туроб Жўраев. Ҳақиқий зиёли тимсоли .....	30
Б.Р.Адизов. Ўз касбидан камолотга эришган инсон .....	35
Алламов Акбар Ахтамович. Камтарлик ва ибрат тимсоли эди.....	38
Эргашев Баходир Хожикурбонович. Талантливый ученый, опытный педагог, превосходный организатор .....	42
Х.Р.Тошов. Барҳаёт фазилятлар соҳиби .....	47
Н.К.Раҳимов. Устоз қадри ва ҳурмати ҳар доим эъзозга лойиқдир.....	49
Г.Н.Наврўзова. Улуғворлик тимсоли .....	53
Ориф Махмудович Кодиров. Илм-фан фидойиси эдилар .....	60
Ш.Б. Мухамедов. Достойный сын благословенной Бухары ...	62
Ҳалим Тўраев. Яхши устоздан яхши хотира.....	66
Ҳайитов Шодмон. Бухоро шаҳрининг Бозоригул кўчасида вояга етган олим .....	68
Қурбонова М.Б. Рисоладагидек раҳбар устоз.....	72
Сойиб Раупов. Бухоро тарихшунослик мактабининг асосчиси .....	76
Фармон Аминов. Забардаст олим ва ғамхўр устоз .....	79
Юлдаш Ҳайдаров. Зукко олим ва маънавий жасорат соҳиби эдилар .....	82
Мухамеджанова Лола Полвоновна. Ўқитувчим ва устозим....	88
С.Д.Зарипов. Ҳазрати инсон .....	90
Ҳамроев А.Ҳ. Китобга меҳр уйғотган устоз .....	93
Раҳмонова М.А. Камтарликдан ўзига ҳайкал қўйган устоз.....	95
Камол Раҳмонов. Файзулла Хўжаевнинг бир мақоласи ҳақида устоз билан мулоқот .....	100
Қудратов Ш.Ё. Одамийлик бобида тенги йўқ устоз .....	102
Ойбек Ражабов. Ҳақиқий илм эгаси эдилар .....	104